1917 йил 27 февралда Петроградда бўлган демократик инкилоб Туркистон ўлкасига хамўз таъсирини ўтказди. Туркистонда янги жамият куртакларини шакллантириш учун харакат бошланиб кетди. Туркистон ижтимоий-сиёсий хаётида ўлка мухторияти масаласи асосий масала бўлиб колди. Туркистонга мухторият макомини бериш гояси нафакат демократик зиёлилар орасида, хатто оддий одамлар ўртасида хаманча оммалашган эди.      1917 йилнинг март-апрел ойлари ўлканинг сиёсий уйгонишида бурилиш даври бўлди. Туркистон жадидлари, миллий зиёлилари ва ислом уламоларининг етакчилари бўлган Махмудхўжа Бехбудий (1875-1919), Мунаввар Кори (1878-1931), Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев (Убайдулла Хўжаев; 1882-1938), Фитрат (1886-1938), Файзулла Хўжаев (1896-1938), Садриддин Айний (1878-1954), Мустафо Чўкай (1886-1941), Мухаммаджон Тинишбоев (1879-1939), Шерали Лапин (1868-1919), Ахмад Закий Валидий (1890-1970), Обиджон Махмудов (1858-1936) Ўлкада янги ташкил килинган «Шўрои Исломия» (1917 йил март), Шўрои Уламо» (1917 йил июн), «Турон» Жамиятлари ва «Турк одами Марказияти (федералистлар) фиркаси» (1917 йил июл), «Иттифоки муслимин» (1917 йил сентябр) сиёсий партияларининг тўзилишида мухим роль ўйнадилар. 1917 йил 7 апрелда Петрограддаги Муваккат хукумат карори билан кадет Н.Н.Шчепкин раислигида Муваккат хукуматнинг Туркистон Комитети ташкил килинди. Комитет таркибига 9 киши кирган бўлиб, уларнинг тўрттаси Алихон Букейхонов (1868-1937), М. Тинишбоев, Садри Максудов, А. Давлетшинлар туркий халклар вакиллари эди. Кейинчалик Туркистон Комитетининг таркиби ўзгартирилди. Жадидчилик 1917 йилда маърифатчилик харакатидан сиёсий харакат даражасига аллакачон кўтарилган эди. Ўша 1917 йилнинг ўзида тўрт марта Бутунтуркистон мусулмонлари курултойи ўтказилди. 1917 йил 16-23 апрелда Тошкентда бўлган I курултойда демократик Россия таркибида Туркистон Мухториятини ташкил этиш гояси олга сурилди. Бу гоя Туркистон халкларининг ўз миллий давлатчилигини тиклаш йўлидаги дастлабки кадами эди.

Бутунтуркистон мусулмонлари I курултойининг охирги мажлисида Марказий рахбар орган — Туркистон ўлка мусулмонлари Кенгаши (Краймуссовет) ташкил этилиши хакида карор кабул килинди. Уни тузишдан асосий максад миллий озодлик харакатига ташкилий ва марказлаштирилган хусусият касб этиш учун бир-бири билан таркок алокада бўлган жамият, кўмита ва иттифокларни бирлаштириш эди. Туркистон мусулмонлари Маркази Кенгашига Мустафо Чўкай раис, Валидий бош котиб, Мунаввар Кори, Бехбудий, У. Хўжаев, О. Махмудов, Тошпулатбек Норбутабеков, Ислом Шоахмедов ва бошкалар аъзо килиб сайланди Мунаввар Кори ва Садриддинхон Шарифхўжа бошчилигида Тошкент кўмитаси тузилди. Шунингдек, Бехбудий рахбарлигида Самарканд ва Носирхон Тўра етакчилигида Фаргона бўлими хам ташкил топди. Марказий шуронинг органи сифатида «Нажот» (мухаррири - Мунаввар кори), кейинчалик «Кенгаш» (мухаррири — Валидий) газеталари чика бошлади. Шунингдек, 1917 йилда нашр килинган «Улуг Туркистон», «Турон» газеталарида мухториятчилик гояси билан сугорилган маколалар чоп килинди. Шундай килиб, 1917 йил бахорида Туркистоннинг бирлиги ва яхлитлиги томон мухим кадам ташланди. Тарихда илк марта Бутунтуркистон микёсида мусулмонлар курултойи чакирилиб, унда туб халкларнинг мухторият томон катъий интилиши, ўз анъаналари, урф-одатлари ва турмуш тарзини изчил туриб химоя килиши айтилди. Бу манфаатларнинг ифодачиси бўлган Миллий марказ — Туркистон мусулмонлари

Марказий Кенгаши ташкил этилди.
Афсуски, бирлашиш жараёнлари хар доим хам бир текис ривожланмади. Аср бошидан буён давом этаётган «жадид-кадим» низолари демократик харакат сафларида парчаланиш юз беришига олиб келди. Маьлумки, 1917 йил 14 мартда Тошкентда «Шўрои Исломия» ташкил топган эди. Аксарияти жадидлардан иборат бу ташкилот аьзолари Туркистон мустакиллиги учун кураш олиб бордилар. 1917 йил июн ойида Мунаввар кори бошчилигидаги «Шурои Исломия» ташкилотидан «Шўрои Уламо» ажралиб чикди. Шерали Лапин унинг Тошкент шуъбасига асос солди. Орадан кўп вакт ўтмай, Кўкон шахрида хам «Шўрои Уламо» жамияти тузилди. Лекин икки жамият ўртасида гоявий ихтилофлар мавжуд бўлиб, улар бир-бири билан келиша олмасдилар. Чунки «Шўрои Уламо» жамияти дастурида ислом динининг анъанавий асослари бўйича иш кўришини маълум килса-да, аслида Лапин бошчилигидаги Тошкент уламочилари аввал рус монархияси, сўнгра большевизм гоялари билан ўз харакатларини мувофиклаштиришга бехуда уриндилар. «Шўрои Уламо» жамияти ўз максадлари таргиботи учун «Ал-Изох» журналини чикара бошлади (мухаррири - Абдумалик хожи Набиев) хар икки жамият ўртасида гоявий кураш, хусусан, матбуот сахифаларида авж олиб кетди. 1917 йил 10 сентябрда Тошкентда Бутунтуркистон мусулмонларининг  II курултойи очилди. «Шўрои Исломия» ташаббуси билан чакирилган ушбу курултой хокимиятни ишчи, солдат ва дехкон депутатлари советларига беришга карши чикди. Ушбу курултойда кабул килинган резолюцияларда миллий демократия ўзи тутадиган йўлнинг мухим асосларини биринчи марта катъий килиб айтди: хукумат демократик сиёсат юргизадиган бўлса, ана шундагина мусулмонлар бу хукуматда иштирок этадилар. Иккинчи курултойда факат Миллий марказ - Туркистон мусулмонлари Марказий Кенгаши минтакадаги туб ерли ахоли манфаатларини химоя килиши мумкин деган фикр катьий килиб кўйилди. 1917 йил 20 сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон ва Козогистон мусулмонларининг кўрултойи «уламочилар» билан «Шўрои исломчилар» ўртасидаги узок бахсларга карамай, нихоят, келишиш ва муроса йўлини топди. Курултойда «Шўрои Исломия», «Шўрои Уламо», «Турон» ва бошка сиёсий ташкилотларни бирлаштириш йўли билан бутун Туркистон минтакаси учун умумий бўлган «Иттифоки муслимин» деган сиёсий партия тузишга карор килинди.
Курултой ишидаги асосий масала Туркистон ўлкасининг бўлажак сиёсий тузумини белгилаш эди. Ўша пайтда Тошкентда нашр килинган «Улуг Туркистон» газетасида ёзилишича, «Курултой Мулла Мухаммадхўжа эшон ва Мулла Сиддикхўжа эшонларнинг бошкарув шакли хакидаги нуткларини тинглаб, дуо-ю ижобат ила Туркистон Мухториятини тайин этишга жазм килди». Курултой мухториятга «Туркистон Федератив Республикаси» деган номни кўйиб, парламент республикаси асосида тузилажак бўлгуси давлат тузумининг бош тамойил ва меъёрларини белгилаб берди.
Шу тарзда Туркистонда мухторият хукумати юзага келмасдан анча олдин жамиятнинг кенг катламлари вакиллари, илгор зиёлилар бу харакатда фаол катнашиб, унинг пойдеворини яратишга замин хозирладилар.
1917 йил 25 октябрда (янги сана билан 7 ноябрда) курол кучига таянган В.И. Ленин бошчилигидаги большевиклар (коммунистлар) Петроградда Мувакkат хукуматни агдариб ташлаб, хокимиятни зўравонлик йўли билан эгаллашди. Россиянинг марказида юз берган вокеаларнинг акс-садоси орадан кўп ўтмай Туркистонга хам етиб келди. 28 октябрда Тошкентнинг янги шахарида европалик ишчилар ва солдатлар большевикларнинг куткуси билан куролли тўкнашувларни бошлаб юборилди. Улар генерал Коровиченко

кисмларидан устун келдилар. 1 ноябрда Коровиченко ва Муваккат хукуматнинг Туркистон Комитети камокка олинди. Тошкентда зуравонлик йўли билан совет режими ўрнатилди.
Хужжатларнинг гувохлик беришича, 1917 йилнинг кузига келиб, ўлка шахарлари, вилоятлари ва уездларида ахолининг хокимиятни советларга ўтишини талаб килувчи фаол чикишлари кузатилмаган. Аксинча, жойлардан келиб турган хабарлар ва телеграммаларда Муваккат хукуматни кўллаб-кувватлаш хакида гапирилар экан, большевиклар ва бошка экстремистларнинг хокимиятни советларга бериш хакидаги талаблари фош этилар, мамлакат такдирини киладиган Таъсис Мажлисини чакириш маькулланарди. Демак, 1917 йил ноябр ойининг бошида большевиклар факатгина курол кучига таянган холда Тошкент шахрида хокимиятни кўлга киритишди. Бу холни архивларда сакланиб колган ўша даврга оид кўплаб расмий хужжатлар хам исботлайди. Туркистон республикаси рахбарларидан бири кейинчалик куйидаги фикрни эътироф этишга мажбур бўлган эди: Туркистон бир неча ўн йиллар мобайнида чоризм мустамлакаси бўлиб келди ва бу гоя барча ижтимоий кайфият ва муносабатларда ўзининг учмас мухрини колдирди. Самодержавие томонидан олиб борилган мустамлакачилик кайфияти ва сиёсати амалдорлар ва хизматчи унсурлардан ташкари хатто рус темирйулчиларига хам ўз таъсирини ўтказган эди. Шунинг учун тўнтаришнинг бошидаёк, совет хокимиятини бу ерда факат рус кишилари амалга оширди. Туб ахолидан эса мустамлакачи махаллий хокимиятга алокадор кишиларгина унда катнашиши мумкин бўлиб, туб ахолининг колган кисми учун бу гоя бегона ва тушунарсиз эди».
1917 йил 15-22 ноябрда Тошкент шахрида бўлиб ўтган ўлка ишчи, солдат ва дехкон депутатлари Советларининг III съездида 15 кишидан иборат хукумат—Туркистон ўлкаси Халк Комиссарлари Совети тузилди, унда 8 ўрин сул эсерларга, 7 ўрин большевиклар билан максималистларга берилди. Бирок хукумат факат европаликлардан иборат бўлди. Туркистон ХКС раиси лавозимини касби чизмачи бўлган большевик Ф. Колесов эгаллади, харбий комиссар килиб извошчи Перфильев, бошка комиссарлик лавозимларига хам шунга ўхшаганлар тайинландилар. Хукумат таркибига туб ахоли вакилларидан битта хам вакил киритилмади. Бу тасодифий хол эмас эди. Туркистонда сўл инкилобий сиёсий гурухлар, уларнинг намояндаларидан тузилган хукумат, биринчи галда большевиклар мохиятан чоризм мустамлакачилик сиёсатига амал килдилар. Шу билан бирга октябр тунтаришидан кейин Россияда бўлгани сингари, Туркистонда хам инкилобий акидаларга, энг аввало синфийлик тамойилларига амал килинди. Асосий инкилобий куч — пролетариат ва камбагал дехконлар, ахолининг бошка катламлари эса реакцион ва эксплуататор гурухлар деб эълон килинди. Мулкдорлар — эксплуататорлар, эзувчилар; миллий зиёлилар, ўкимишли, обрў-эътиборли халк вакиллари — миллий буржуазия корчалонлари ва малайлари; ислом дини рахнамолари — реакцион катлам деб, уларга карши аёвсиз кураш бошлаб юборилди. Туркистон ўлкасидаги дастлабки совет хукуматининг зиддиятли таркиби минтакада европалик ахоли хукмронлигини мустахкамлашга каратилган эди. «Туркистондаги мустамлакачилик хатто совет хокимияти тараккиётининг бутун бир йўналишини белгилаб берди», деб кейинчалик тан олган эди Г. Сафаров.
Махаллий миллатларнинг сиёсий жараёнга аралаштирилмаганлиги ўлка халкларининг совет хокимиятига бўлган ишончсизлигини янада кучайтирди. Хатто Туркистондаги европалик ахолининг демократик катламлари хам большевиклар ва сул эсерларнинг бундай маккорона сиёсатига карши чикдилар. Хукумат тузишда улуг давлатчилик

шовинизми акидаларига амал килинганлиги янги хокимиятнинг сиёсий фаолиятини олдиндан белгилаб берди.
Хокимият большевиклар кўлига ўтиши билан ўлкада Муваккат хукуматнинг барча бўгинлари тугатилиб, ўрнига аввало жазо органлари ва совет бошкарув тизими ўрнатилди. Бу тасодифий хол бўлмасдан, большевиклар хукмронлиги нафакат агдарилган синфлар, балки большевиклар билан келишмайдиган махаллий ахолининг катта кисми устидан зўравонлик ўрнатилгандагина сакланиб колиши мумкин эди. Туркистон ХКС 1917 йил 28 ноябрда ўлкада кизил гвардия бўлинмалари тузиш хакида карор кабул килди. Бу бўлинмалар совет режими ва большевикларга карши кўтарилган дастлабки стихияли чикишларни бостиришда фаол иштирок килди. Шу вактнинг ўзида Бутунроссия Фавкулодда комиссия (чека) органлари ва инкилобий трибуналлар ташкил этилди. Пролетариат диктатурасининг бу жазо органлари озодлик ва демократияни бўгишда, ўзгача фикрлайдиган кишиларни йўк килишда мухим курол бўлди ва Ватанимизнинг янги тарихида ўзининг машъум асоратларини колдирди.
Туркистон ХКС 1917 йил охирларида ўз карори билан «Шурои Исломия» ва бошка махаллий демократик ташкилотларни таркатиб юборди. Бу ташкилотларнинг рахбарлари кейинчалик Туркистон Мухторияти хукуматига кўшилдилар, айримлари истиклолчилик харакатига гоявий рахнамолик килдилар. Шуниси характерлики, «Шўрои Уламо» ташкилотининг Тошкент шуъбаси факат 1918 йил 13 майда ёпиб кўйилди. Шундай килиб, даставвал Россия марказида карор топган совет режими Туркистон ўлкасида хам ўрнатилди. Зўравонлик ва халкларни эзишга каратилган совет режими ўзининг илк кунларидан бошлаб Туркистондаги туб халкларга нисбатан мустамлакачилик сиёсатини юритди. Чор Россиясининг мустамлакачилик тизими совет Россияси даврида янада такомиллаштирилди. Туркистон Мухторияти хукумати ва унинг фаолияти сиёсий партиялар тузилиши, улар томонидан дастурий хужжатлар кабул килиниши Туркистонда миллий харакатнинг кенг кулоч ёйганидан далолат берар эди. Бирок юкарида кўрсатиб ўтилганидек, Петрограддаги октябр тўнтариши окибатида 1917 йил октябр-ноябр ойларида Туркистон ўлкасида, хусусан, Тошкент ва Кўконда юз берган вокеалар миллий озодлик харакатини бутунлай бошка йўналишдан кетишга мажбур килди.
1917 йил 26-28 ноябрда Кўкон шахрида Туркистон ўлкамусулмонларининг фавкулодда IV курултойи бўлиб ўтди. Курултой ишининг бутун тафсилотлари ўша давр газеталарига тарих учун мухрлаб кўйилган.
Мустафо Чўкай курултойни очар экан, Россия ва Туркистоннинг сиёсий ва иктисодий ахволи хусусида маълумот беради. Унинг айтишича, Марказда юз бераётган вокеалар, четта ўлкаларни ва шу билан бирга Буюк миллий инкилобни куткарув йўлларини мустакил мухокама этувини такозо килар. Октябр хунрезлигини бошдан кечирган Россия ва Туркистон ўз такдирлари хакида мулохаза юритмоклари лозим.
Маълумки, мусулмонларнинг ушбу нуфузли курултойи ва унда кабул килинган карорлар узок йиллар давомида миллатчилар гурухининг йигинидан эълон килинган буржуа мухторияти деб нотўгри талкин килиб келинди. Хужжатлар эса ушбу холнинг бутунлай акси бўлганлигини исботлайди. Масалан, Туркистон жадидларининг отаси саналган Бехбудий ўз маърузасида курултойнинг Туркистон халклари тарихида улкан ижобий, тарихий ходиса ва бурилиш даври эканлигини таъкидлаб, «Курултойимиз кабул килаётган карорлар шунинг учун хам ахамиятлики, унда Туркистон ахолисининг европалик вакиллари хам иштирок этмокдалар», дейди. Бехбудий ва Обиджон Махмудов курултой хайъатида мусулмонлар билан бир каторда бошка миллий гурухларнинг хам

вакиллари бўлишини ёклаб чикди.
Туркистонни бошкариш шакли уч кун давом этган курултойнинг диккат марказида турди. Бу масала мухокамасида сўзга чикганларнинг кўпчилиги Туркистоннинг мухтор республика деб эълон килиниши ўлка ахолисининг ижтимоий максадларидан келиб чиккан ва унга мос тушишини уктирди. Мухторият ва мустакиллик эълон килиш фикрини хамма кўллаб-кувватлади. Курултойда 1917 йил 27 ноябр (янги хисоб билан 10 декабр) куни кечкурун кабул килинган карорда шундай дейилади: «Туркистонда яшаб турган турли миллатга мансуб ахоли Россия инкилоби даъват этган халкларнинг ўз хукукларини ўзлари белгилаш хусусидаги иродасини намоён этиб, Туркистонни Федератив Россия Республикаси таркибида худудий жихатдан мухтор деб эълон килади, шу билан бирга мухториятнинг карор топиш шаклларини Таъсис Мажлисига хавола этади». Курултой Туркистонда яшаб турган миллий озчилик хукукларининг муттасил химоя килинишини тантанали равишда эълон килди.
28 ноябр (янги хисоб билан 11 декабр) да таркиб топаётган мазкур давлатнинг номи аникланиб, Туркистон Мухторияти, деб аталадиган бўлди. Курултой ўша куни йигилишда Бутунроссия Таъсис Мажлиси чакирилгунга кадар хокимият Туркистон Мувакkат Кенгаши ва Туркистон Халк (Миллат) Мажлиси кўлида бўлиши керак, деб карор кабул килди. Курултойда Туркистон Мувакkат Кенгаши аъзоларидан 8 кишидан иборат таркибда Туркистон Мухторияти хукумати тузилди. Хукуматнинг Бош вазири хамда ички ишлар вазири этиб Мухаммаджон Тинишбоев сайланди. Ислом Султон ўгли Шоахмедов — Бош вазир ўринбосари, Мустафо Чукай — ташки ишлар вазири, Убайдулла Хўжаев - харбий вазир, Хидоятбек Юргули Агаев — ер ва сув бойликлари вазири, Обиджон Махмудов — озик-овкат вазири, Абдурахмон Ўрозаев — ички ишлар вазирининг ўринбосари, Соломон Абрамович Герцфельд — молия вазири лавозимларини эгаллади. Хукумат таркибида кейинчалик айрим ўзгаришлар юз берди. Мустафо Чўкай Бош вазир лавозимини бажаришга киришди. Вазирлардан уч киши олий маълумотли хукукшунос, икки киши Ўртача малакали хукукшунос эканлиги мухторият хукумати аъзолари билим даражасининг накадар юкори эканидан далолат беради.
Курултойда 28 ноябр куни Туркистон Миллат Мажлиси очилиши тўгрисидаги карор хам тасдикланди. Миллат Мажлиси 54 нафар аъзодан иборат бўлиб, курултой карорига биноан «36 нафар мусулмонлар ва 18 нафар гайри мусулмонлардан сайланадур. 36 мусулмон вакиллари Туркистоннинг 5 вилоятидан бўлиб: Фаргона — 10 нафар, Самарканд — 5 нафар, Сирдарё — 9 нафар, Еттисув — 6 нафар, Закаспий - 2 нафар; 4 нафар эса бутун Туркистон шахар думалари тарафидан тайин бўлурлар». 18 нафар ўрин эса ўлканинг европалик ташкилот ва фукароларига, жумладан, темирйўлчилар иттифоки, ишчи ва солдат депутатлари совети, социал-демократлар, дашнокцутюн, ерлик жухудлар, яхудийлар, эсерлар, украинлар, поляклар вакиллари ва бошкаларга берилиши кўзда тутилган эди. Демак, ташкил этилаётган хукумат таркибига турли сиёсий ва миллий гурух вакилларининг катнашуви кўзда тутилди. Демократик рухдаги миллий зиёлилар кўрултойда кабул килинган дастурий хужжатларга ўзига хослиги билан ажралиб турадиган халкчил ва демократик гояларни киритишди.
Курултой жараёнида Туркистон Миллат Мажлиси 32 кишидан иборат килиб сайланди. «Шўрои Уламо»нинг рахбари Шерали Лапин Миллат Мажлиси таркибига унинг раиси сифатида киритилган бўлса хам, аммо унинг ўзи бу таклифни рад этди.
Курултой тугагач, 1 декабрда Туркистон Мухториятининг Мувакkат хукумати аъзолари (барча 8 киши) имзолаган махсус Мурожаатнома эълон килинди. Ушбу Мурожаатномада

Туркистондаги барча ахоли, ирки, миллати, дини, жинси, ёши ва сиёсий эътикодларидан катъий назар, якдиллик ва хамжихатликка даъват этилган эди.
Орадан кўп ўтмай Миллат Мажлиси томонидан тасдикланган конунлар эълон килинди, шунингдек, янги хукумат мамлакат Конституциясини тайёрлаш учун таникли хукукшуносларни жалб килди. «Эл байроги», «Бирлик туги», «Свободний Туркестан», «Известия Временного Правительства Автономного Туркестана» каби хукумат газеталари ўзбек, козок ва рус тилларида нашр килина бошланди. Аввал чикаётган «Улуг Туркистон» газетаси хам ўз сахифаларида мухторият хукумати фаолиятига алохида ўрин бера бошлади. Нашр ишларини яхшилаш учун О. Махмудовнинг босмахонаси хукумат ихтиёрига ўтди. Мухторият хукумати миллий кўшинни ташкил килишга киришди. 1918 йил бошида бу кўшин сафларида бир мингдан ортик аскар бўлган. Харбий вазир Убайдулла Хўжаев иштирокида ўтказилган кўрик-парад вактида аскарлар сони 2000 кишига етган. Бундан ташкари Кўконда тахминан шунча миршаблар бор эди. Хукумат иктисодий сохада 30 миллион сўм микдорида ички заём чикаришни йўлга кўйди. Чунки газеталарни нашр килиш, мухторият кўшинларининг таъминоти ва хукуматнинг ички харажатлари учун маблаг зарур эди. Шунингдек, хукумат аъзолари очлик чангалида колган Туркистон ахолисига Оренбург оркали галла келтириш муаммосини хал килиш учун хам амалий кадамлар ташлади. Туркистон Мухторияти хукумати киска муддат ичида халк ўртасида катта эътибор козонди. Янги хукумат фаолияти факат Кўконда ёхуд Фаргона водийсида эмас, балки бутун Туркистон минтакасида яшаётган туб ерли халклар томонидан кизгин кўллаб-кувватланди. Фитрат, Чўлпон, Хамза мухторият хукуматини алкаб, шеърлар битишди. Фитрат мухторият эълон килинган 27 ноябр тунини «Миллий Лайлатул кадримиз» деб атади. Аллома Фитратнинг бу сўзларида олам-олам маъно мужассамлашган.
Туркистон халкининг мухторият учун олиб борган курашида 1917 йил 13 декабрда бўлиб ўтган фожиали вокеалар мухим ўрин тугади. Ўша куни Тошкентда эски шахар ахолиси «Мухтор Туркистон учун!» шиори остида тинч байрам намойишини ўтказди. Аммо Тошкент Советидаги большевиклар шахарда куролли куч билан тартиб ўрнатишга буйрук берадилар. Окибатда тинч намойиш катнашчилари пулемётдан ўкка тутилди, эски шахарлик 16 киши ана шу тўкнашув курбони бўлди.
Мухтор хукуматнинг халк ўртасидаги обру-эътибори ва нуфузи большевикларни ташвишга солиб кўйди. 1918 йил 19-26 январ (янги хисоб билан 1-8 феврал) да Тошкентда бўлган Туркистон ўлкаси ишчи, солдат ва дехкон депутатлари Советларининг фавкулодда IV съездида мухторият масаласи асосий ўринда турди. Съезд Туркистон Мухторияти хукумати ва унинг аъзоларини конундан ташкари халатда деб, хукумат аъзоларини камокка олиш тўгрисида карор чикарди. Большевиклар ўзларининг бу кабих ва мудхиш «хукми»ни амалга оширишга зудлик билан киришдилар.
30 январ (янги хисоб билан 12 феврал) да Туркис¬тон ХКС мухторият хукуматини тугатиш учун харбий харакатларни бошлади. Туркистон большевиклари бунинг учун кизил аскарлардан ташкари арманларнинг «Дашнокцутюн» партияси аъзоларидан тузилган куролли тўдалардан хам кенг фойдаланди. Уларга карши дастлабки жангда мухториятнинг миллий кўшинидан ташкари кўконлик тинч ахоли вакиллари хам катнашди. Асосан болта, чўкич, таёк кўтарган халойикнинг сони 10000 кишига етди. Шунга карамай, куролсиз бу кишилар кизил аскарларнинг Кўкон шахрига хужумини уч кун давомида мардонавор кайтардилар. Шахар устига уч кун давомида тўплардан ёндирувчи снарядлар отилди. Мухторият кўшинининг тирик колган кисми Кичик Эргаш

кўрбоши бошчилигида шахардан чикиб кетди. Туркистон Мухторияти хукумати кизил аскарлар ва дашнокларнинг конли хужумлари окибатида агдариб ташланди. Аммо Кўкон ва унинг атрофидаги тинч ахолини талаш, ўлдириш авжига чикди. Факат Кўконнинг ўзида уч кун давомида 10000 киши ўлдирилди. Шахар буткул вайронага айлантирилди. Хукумат бошлиги Мустафо Чўкай шахарни тарк этиб, яширинишга мажбур бўлди. Вазирларнинг айримлари халок бўлди. Баъзиларини большевиклар кўлга олишди. «Улуг Туркистон» газетаси чукур кайгу билан хабар берганидек, «20 (эски хисоб билан 7) феврал Хўканд (Кўкон) тарихининг энг дахшатли куни эди. Арманилар айрича фаолият кўрсатганлар...». Газетадаги ушбу макола «Кўкон хозир ўликлар шахри», деган дахшатли ибора билан тугайди.

Нихоят, 1918 йил 22 (эски хисоб билан 9) февралда Кўкон шахридаги Рус-Осиё банки биносида большевиклар томонидан тайёрланган «тинчлик Шартнома» имзоланди. Туркистон Мухторияти хукумати атиги 72 кун умр кўрган бўлса хам, у эрксевар халкимизни миллий мустакиллик ва истиклол учун курашга даъват этди. 1918 йилнинг эрта бахорида аввал Фаргона водийсида, сўнгра бутун Туркистонда истиклолчилик харакати бошланди. Аммо бу даврга келиб Туркистон Мухториятини тор-мор этиб, ўлкада якка хукмрон бўлган, курол ва зўравонликка таянган большевиклар минтакада советча андозадаги автономия (мухторият) ни ташкил этишга киришган эдилар.

1918 йил январ ойидаёк большевиклар Туркистон Мухториятига карши Туркистон автономиясини тузиш масаласини кўтаришган эди. Бу муаммо факат Туркистон Советларининг V съездида (1918 йил 20 апрел - 1 май) хал килинди. Съезд Россия Совет Социалистик Федерацияси таркибида Туркистон республикаси тузиш тўгрисида карор кабул килди. Туркистон республикасининг Марказий Ижроия Комитети (МИК) ва ХКС сайланди. Улар таркибига илк марта туб миллатларнинг вакиллари киритилди. Шунингдек, съездда саноат корхоналарини национализация килиш ва бошка айрим масалалар юзасидан карорлар кабул килинди. Шундай килиб, совет Россияси таркибида Туркистон автоном республикаси ташкил килинди.

Профессор Р.Т.Шамсутдинов